

Соҳа спортининг шиори: Соғлом турмуш!



Турнир голиби: ТАТУ қошидаги 2-лицей жамоаси.

Инсоннинг имкониятлари кенг. Қизиқиш ва иштиёқнинг ўзи ҳам кўп нарсани ҳал қилишга қодир. Алоқачи касбини улуглай туриб, спортда ҳам профессионал даражага кўтарилаётган сафдошларимиз борки, айнан қизиқиш ва иштиёқ ҳамда машқлар уларни шу даражага етказяпти. Албатта, яратилаётган шарт-шароит ҳам ҳал қилувчи ўрин тутади. Бу борада алоқа ва ахборотлаштириш тизимида ўзига хос мактаб яратилмоқда.

15-бет

Сўнги янгилик!

Алоқа оламида:

"Евросет" дўкони Гинеснинг рекордлар китобига киритилган телефонлар сотувини йўлга қўйди. Gresso Extreme X3 ва X5 телефонлари ўта мустаҳкамлиги ва сув остида ҳам ишлай олиши билан рекордлар китобига киритилган. Бу телефонлар экстремал ҳолатларда ишловчилар учун мўлжалланган. Gresso Extreme X3 телефони 24 соат давомида сув остида ишлай олишидан ташқари, 1 тонна юк оғирлигини кўтара олади ҳамда 7 метр баландликдан бетонга ташлаб юборилганда ҳам ҳеч нарса қилмайди. Gresso Extreme X5 эса 2 тонналик юк босимига бардош бера олади. Унинг корпуси ўта мустаҳкам пластмассадан ясалган.



Ушбу сонда:

- Сифатни ошириш — давр талаби 2
- Энг яхши муҳандис-технолог 3
- Обсуждены проблемы информационной безопасности в сфере связи и информатизации и пути их решения 6
- АТ-компаниялари ютуқлари сири 11
- Устозлар билан ободдир ҳаёт 14

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Диққат, мамлакатимизда газета ва журналларга 2012 йил учун обуна давом этмоқда «Xabar» — сизнинг газетангиз. Обуна бўлишга шошилинг!



Umadan umagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга ошириладиган бўвдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 11 октябрь куни Фарғона вилоятида бўлди. Президентимиз Фарғона вилояти фалолари билан учрашди. Вилоятни ҳар томонлама тараққий эттириш, Фарғона ва Қўқон шаҳарлари инфратузилмасини, транспорт-коммуникация тизимларини такомиллаштириш юзасидан амалга ошириладиган ва бу бордаги устувор вазифалар атрофида муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 11 октябрь куни Оқсаройда АҚШнинг Афғонистон ва Покистон бўйича махус вакили Марк Гроссман ҳамда ГФР ҳукуматининг Афғонистон ва Покистон бўйича махус вакили Михаэл Штайнерни қабул қилди. Мулоқот чоғида халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистонда умумийлиги ярашувга эришишдаги иштирокига онд масалалар ҳамда Ўзбекистоннинг Америка Қўшма Штатлари ва Германия Федератив Республикаси билан ўзаро ва кўп томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантириш истиқболлари хусусида батафсил фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмитаси томонидан "Китоб ва ахборот алмашишуви соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришда халқаро нормаларнинг роли ҳамда миллий қонунчиликнинг ривожланиши" мавзусида семинар ўтказилди. Тадбирда давлатимиз томонидан миллий ҳуқуқий асосларни халқаро нормалар ҳамда шартномалар талабларига уйғунлаштириш бўйича тегишли ишлар амалга ошириладигани алоҳида таъкидланди.

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг 40 нафардан иборат илк битирувчиларига мутахассислик дипломлари топширилди. Шунингдек, Тошкент халқаро Вестминстер университетига ҳам битирувчиларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Бу йилги тантанали тадбирда 240 нафардан зиёд бакалавр ва магистрга Лондон Вестминстер университетининг дипломлари топширилди.

"Тошкент — Самарқанд — Тошкент" йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланувчи "Ағросиёв" электропоездининг мунтазам қатнови амалга оширилади бошланди. "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК ахборот хизматидан маълум қилишларича, поезд ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари йўловчиларга хизмат кўрсатади. Эҳтиёж ва талабдан келиб чиқиб, кейинчалик қатновлар сонини янада кўпайтирилади.

Мамлакатимизнинг Белгиядаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тақдирот бўлиб ўтди. Унда Белгиянинг эксперт таҳлилчилар ҳамжамияти, вазирилик ва идоралари, ишбилармон, маданият-гуманитар ҳамда жамоатчилик доиралари, Европа Иттифоқи, НАТО сингари нуфузли ташкилотлар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги Ҳайъат йиғилиши ўтказилди. Йиғилишни Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Ишонходжаев бошқарди.

Сифатни ошириш — давр талаби

Кун тартибидagi биринчи масала — "Почта алоқаси объектларида йўл қўйиладиган пул маблағлари камомати ва ўғирланиш ҳолатларининг сабабларини аниқлаш ва олдини олиш бўйича "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида" "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимов маъруза қилди. Маърузачи жамият тизимлари томонидан ҳозирги кунда республикамиз бўйича 2,6 миллиондан зиёд пенсионерга бир ойда ўртача 468,7 млрд. сўмга яқин пул маблағлари етказиб бериладиганини маълум қилди. Шунингдек, жорий йилнинг 9 ойи давомида аҳолидан 187,9 млрд. сўм миқдорда коммунал хизматлар учун тўловлар йиғилган ва 63,0 млрд. сўмлик пул ўтказмалари қабул қилинган.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ тизимидаги почта алоқаси объектларида пул маблағларининг сақланиши ҳамда уларни мақсадли ишлатилишини таъминлаш, истеъмолчиларга сифатли почта хизматлари кўрсатиш бўйича доимий равишда ишлар олиб борилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи давомида тармоқ бош кассаларида тармоқ томонидан 1616та, филиал ходимлари томонидан 510та тўсатдан, тармоқ раҳбарлари томонидан алоқа бўлимларида 4376та ҳужжатли ва 4499та тўсатдан текширишлар, пенсия тўловларини тўғри ва ўз вақтида тўланиши юзасидан филиалнинг почта хавфсизлиги ходимлари томонидан 653та, тармоқ техниклари томонидан 2687та ўрганиш ишлари амалга оширилди.

Ўтказилган ҳужжатли текширишлар жараёнида 1182959 нафар, почта хавфсизлиги ходимлари томонидан 274279 нафар пенсионер ўртасида сўровлар ўтказилиб, пенсия тўловларини ўз вақтида етказилиши юзасидан мониторинг ва назорат ишлари амалга оширилди.

Аммо жойларда олиб бориладиган текширишлар сифати оширилганлигига қарамастан хато-камчиликлар, пул маблағларини мақсадсиз ишлатиш ҳолатлари давом этмоқда.

2010 йилнинг 9 ойида 559,2 млн.сўм миқдорда 37 ҳолатда пенсия пул маблағларининг камомат ва ўзлаштирилиши содир этилган бўлса, бу ҳолат 2011 йилнинг 9 ойида 31 ҳолатда 671,0 млн.сўмни ташкил этди.

Пул маблағларини ўзлаштирилишига йўл қўйган айбдор ходимлардан 40таси билан меҳнат шартномаси бекор қилинди, 11таси эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 43тасига эса интизомий жазо чоралари қўлланилган.

Йиғилишда камомат ва ўзлаштириш ҳолатларининг келиб чиқиш сабаблари ва келгусида уларнинг олдини олиш чоралари юзасидан тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

"Ўзбектелеком" АКнинг транспорт телекоммуникация тармоқларини ва Халқаро коммутация марказларини ривожлантириш ҳақида "Ўзбектелеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари Қ.Юлдашев ахборот берди.

Ахборотчи юртимизда мустақиллик йилларида замонавий телекоммуникация тармоғини барпо этиш борасида улкан ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлади.

2010 йилнинг 9 ойида 559,2 млн.сўм миқдорда 37 ҳолатда пенсия пул маблағларининг камомат ва ўзлаштирилиши содир этилган бўлса, бу ҳолат 2011 йилнинг 9 ойида 31 ҳолатда 671,0 млн.сўмни ташкил этди.

1991-2010 йилларда ташкил этилган транспорт тармоғи орқали 4та халқаро, 12та вилоятда шаҳарлараро, 2 мингта яқин маҳаллий телефон станциялари, 5та мобил алоқа операторлари тармоғидаги телефон сўзлашувлари трафигини ўтказиш, телевидение ва радиоэшиттириш давлат ва нодавлат телевидение дастурларини ҳудудларгача узатиш, оператор ва провайдерларнинг маълумотларни узатиш тармоғини ташкил этиш ҳамда уларни интернетга уланганини таъминлашга ва жаҳон андозаларига мос равишда сифатли телекоммуникация хизматларини кўрсатишга эришилди.

Республика телекоммуникация транспорт тармоғи географик жиҳатдан 7та йўналишда оптик толали алоқа линиялари орқали халқаро телекоммуникация тармоғига уланган. Ташкил этилган Қозоғистон (Абай, Бейнов, Чечерино), Туркманистон (Чоржўй), Афғонистон (Ҳайратон), Тожикистон (Турсунзода), Қирғизистон (Ўш) йўналишлари орқали сифатли халқаро телефон сўзлашувлари ва интернет

➔ HAY'AT YIG'ILISHIDA

хизматлари трафигини ўтказиш таъминланмоқда.

Оптик, симли, симсиз ва мобил (3 ва 4-авлод) телекоммуникация тармоқлари орқали кўрсатиладиган кенг полосали хизмат турлари (юқори сифатли видео, телевидение ва ҳ.к.)га эҳтиёж ошиб бораётганлиги, халқаро телефон, видеосўзлашувлар ва интернет трафигини кескин ошиши республика телекоммуникация транспорт тармоғини ва халқаро коммутация марказларини янги авлод технологиялари (NGN, DWDM/IP/MPLS)ни татбиқ этган ҳолда кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Телекоммуникация тармоғининг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, унинг яшовчанлиги ва ишончилигини таъминлаш мақсадида халқаро транзит каналлари географик жиҳатдан ҳар хил трассалар орқали улаш, шунингдек, қўшимча Урганч-Тошхўвуз (Туркманистон), Қўқон-Хўжанд (Тожикистон), Бекобод-Хўжанд (Тожикистон) халқаро йўналишларини ташкил этиш, республика ҳудудидан ўтувчи халқаро транзит учун каналлар сифатини камида 26 марта (260 Гбит/с.гача), шаҳарлараро — 12 марта (120 Гбит/с.гача), маҳаллий тармоқларда 20 Гбит/с.гача кенгайтириш, халқаро коммутация станцияларининг сифатини 4 мартага кенгайтириш, такти синхронизация тармоғини модернизация қилиш, иккиламчи тармоқ учун ягона вақт синхронизациясини жорий этиш зарурдир.

Йиғилишда, шунингдек, "Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ахборот порталининг жорий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари тўғрисида"ги масала ҳам кўриб чиқилди. Бу ҳақда "UZINFOCOM" маркази ДУК директори Ж.Раҳимов маълумот берди. Ахборотчи бугунги кунда Агентлик бўлимлари ва соҳа қорхона ҳамда ташкилотлари ўртасидаги ҳужжат айланиши жараёни тўлиқ автоматлаштирилганини қайд этди. Жорий йилда ахборот тизимида электрон назорат варақларининг янги механизми ишлаб чиқилди ва жорий этилди, раҳбарлар ва котибаларининг кирувчи ҳужжатнинг резолюцияси бўйича иш механизми жорий этилди, ташкилотларнинг бўлимларида домен номи ва ташкилотлар учун ажратилган қўйитимларни (бўлимларни) қўллаб-қувватлаш учун тўловлар ҳақида маълумот берувчи информерлар жойлаштирилди.

Ҳайъат йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўтказилган ҳужжатли текширишлар жараёнида 1182959 нафар, почта хавфсизлиги ходимлари томонидан 274279 нафар пенсионер ўртасида сўровлар ўтказилиб, пенсия тўловларини ўз вақтида етказилиши юзасидан мониторинг ва назорат ишлари амалга оширилди.

Энг яхши муҳандис-технолог

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ тизимидаги почта алоқаси объектлари томонидан кўрсатилаётган почта алоқаси хизматлари сифатини яхшилаш, пул маблағларининг мақсадли ишлатилиши бўйича жойларда олиб борилаётган назорат ишларини жадаллаштириш мақсадида ҳамда 9 октябр — Умумжаҳон почта куни муносабати билан почта алоқаси тармоғи бошлигининг ўринбосари "Энг яхши муҳандис-технолог" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Танловда почта алоқаси тармоғи бошлиқ ўринбосарлари фаол иштирок этишиб, аҳолига почта алоқаси хизматларини кўрсатишда иш сифатини ошириш, пул маблағлари сақланиши ҳамда назоратни таъминлаш бўйича изчил иш олиб бориш борасидаги билим ва маҳоратларини намойиш қилишди. Кўрик-танловда қатнашган барча иштирокчилар "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Танлов якунига кўра, республика кўрик-танлови иштирокчиларидан қуйидагилар Низомда белгиланган тўртта совринли ўринлар бўйича голиб деб топилдилар:

Олий ўрин — Бухоро филиали Шофиркон почта алоқаси тармоғи бошлиғи ўринбосари Комил Баракаев.

Биринчи ўрин — "Тошкент почтамати" филиали Шайхонтоҳур почта алоқаси тармоғи бошлиғи ўринбосари Ирина Акмаева.

Иккинчи ўрин — Тошкент филиали Дўстобод почта алоқаси тармоғи бошлиғи ўринбосари Галина Леонтьева.

Учинчи ўрин — Самарқанд филиали Пайшанба почта алоқаси тармоғи бошлиғи ўринбосари Бектош Рустамов.

Бундан ташқари, Низомда белгиланган "Энг ёш ва тажрибали раҳбар" номинацияси бўйича Қашқадарё филиали Миришкор почта алоқаси тармоғи бошлиғи ўринбосари Мирзохид Маматов ва "Ёши улуг устоз раҳбар" номинацияси бўйича Тошкент филиали Ангрэн почта алоқаси тармоғи бошлиғи ўринбосари Валентина Над-



киналар ҳам тақдирландилар.

Кўрик-танлов голибларидан К.Баракаев энг кам иш ҳақининг 25 баробари, И.Акмаева энг кам иш ҳақининг 20 баробари, Г.Леонтьева энг кам иш ҳақининг 15 баробари, Б.Рустамов энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорда пул мукофотлари билан рағбатлантирилди.

А.Надкинанин 1971 йилдан Ангрэн шаҳар почта алоқаси тармоғи бошлигининг ўринбосари лавозимида ишлаб келаётганлиги ва унинг кўп

йиллик самарали хизматлари инобатга олиниб, 500 000 сўм, М.Мама-тов 200 000 сўм пул мукофоти билан тақдирланишди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ тизимида ташкил этилаётган бундай танловлар почта ходимларининг ўз вазифаларига бўлган масъулиятнинг оширишда ҳамда касбга қизиқшларининг кучайишида муҳим омил бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ матбуот хизмати

Таассуротларим катта

28-30-сентябр кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ICT EXPO-2011 кўرғазмасига ташриф буюрдим ҳамда бугунги кун ёшларига қанчалар кенг имкониятлар борлигини гувоҳи бўлдим.

Менда Тошкент ахборот технологиялари университетининг "Virtual ta'lim tizimi", автоматлаштирилган "Dekanat" ахборот тизими, "Uzlibls" корпоратив автоматлаштирилган кутубхона тизими чуқур таассурот қолдирди. Ушбу тизим ТАТУ ва унинг филиалларида 2011-2012 ўқув йилида қўлланиши жуда қувонтирди. Эндиликда талаба ва магистрлар ТАТУ ва филиалларининг профессор-ўқитувчиларидан таълим олиш, фикр-мулоҳазаларини осон алмашиши мумкин. Бизнинг ТАТУ Қарши филиали профессор-ўқитувчилари ҳам ушбу тизимга ўз маъруза матнларини киритишни режалаштирмоқда.

Кўрғазмадан олган таассуротларимни ТАТУ Қарши филиали жамоаси ўртасида ўртоқлашдим.

Илҳом АЛИМАНОВ,
ТАТУ Қарши филиали
"Информатика
ва ахборот технологиялари"
кафедраси ассистенти

Анжуман

Инсон ҳаёти давомида ҳамisha ахборотга эҳтиёж сезиб яшайди. Эрта тонгда уйдан чиқар эканмиз, танишлардан "Оламда нима гаплар?" деб сўраймиз. Боиси, атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси бизни ҳамisha ахборот излашга ундайди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкин-ки, бизнинг бу эҳтиёжимизни оммавий ахборот воситалари қондириб борадилар. Бироқ, ҳамisha ҳам кўлимиздаги матбуот нашрлари эрта тонгда "Матбуот" дўконларига, хонадонимизга ва иш жойимизга қандай етиб келгани ҳақида ўйлайвермаймиз. Аслида, бунинг замирида матбуот тарқатувчиларнинг машаққатли меҳнатлари ётади.

Шу йилнинг 8 октябр куни "Андижон матбуот тарқатувчи" масъулияти чекланган жамиятининг йиғилиши бўлиб ўтди. Анжуманда жамиятнинг барча шаҳар ва туманлар бўлиmlари раҳбарлари иштирок этдилар. Талбирни жамият директори Муҳимжон Раҳимов очиб, инсонлар ҳаётида ОАВ воситаларининг ўрни ҳамда уларни обуначи ва аҳолига ўз

вақтида етказиб берилиши жамият ходимларининг муҳим вазифаси эканлиги хусусида гапирди.

Маърузачи шаҳар ва туман бўлиmlлари ва "Матбуот" дўконларининг асосий фаолияти аҳолига матбуот нашрларини етказиб бериш орқали кишилар маънавияти ва дунёқарашини бойитиш, Ватанга муҳаббат туйғуларини ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни кенг тарғиб қилишга қаратилиши зарурлигини таъкидлади. 2012 йил учун бошланган обуна мавсуми давомида уюшқоқлик билан ишлаш лозимлигини уқтирди.

Йиғилишда 2011 йил учун республика, вилоят, туман ва хорижий давлатларнинг вақтли матбуот нашрлари ҳамда китоб маҳсулотларига обуна қабул қилиш ишларини

OBUNA-2012

уюшқоқлик билан ташкил этган ва молиявий режаларни ортиги билан бажарган шаҳар ва туман бўлиmlларига қимматбаҳо совғалар, пул мукофотлари топширилди.

— Айни кунларда 2012 йил учун вақтли матбуот нашрларига обуна мавсуми туман бўлиmlимизда қизгин давом этмоқда, — дейди "Андижон матбуот тарқатувчи" МЧЖ Кўргантепа бўлиmlи раҳбари Иродахон Охунова. — Мана бугунги тадбирда ўтган йилги амалга оширган ишларимиз таҳлил қилиниб, бўлиmlимиз томонидан йил якунлари бўйича обуна режасини 115,6 фоизга бажарганлигимиз учун қимматбаҳо совға ва пул мукофоти билан тақдирландик. Бу эътибор кейинги фаолиятимиз учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирда жамият тасарруфидаги барча бўлиml ходимларининг кайфияти, шижоати кўтаринки. Демак, яна янги зафарлар уларни кутиб тургани аниқ.
Элмурод ЭРМАТОВ,
"Андижон матбуот тарқатувчи"
МЧЖ Олтинкўла бўлиmlи бошлиғи

Обуначилар учун қулайлик

Бухоро вилояти "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонасида 2012 йил газета ва журналларга обуна бўлиш истигади бўлган кишилар учун ўзига хос қулайлик яратилди. Гап шундаки, обуначилар эндиликда бевосита ўз уйлари ёки иш жойларида ўзлари хоҳлаган нашрларга ёзилишлари мумкин. Янада очикроқ қилиб айтганидан бўлса, бу ўринда интернет обуначиларга қўл келмоқда.

Яъни, обунани автоматлаштириш бўйича тузилган дастур асосида интернет орқали бу жараён расмийлаштириляпти. Бунинг учун корхонанин интернетдаги akmt.uz веб-сайти орқали "интернет-обуна" бўлиmlига кириб, рўйхатдан ўтиб бўлингач, яқка ёки ташкилот обуначилиги танланади ва тегишли анкета бир зумда тўлдирилади. Бу ерда каталог билан танишгач, нашр

номи қидирилади ва буюртма расмийлаштирилади. Обуна пулини корхона ҳисоб рақамидан, яқка шахслар эса пластик карточка ҳисобидан кўчиртиришлари мумкин. Тўлов амалга оширилгач, шартнома чиқариб олинади ҳамда "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонасига имзолатиш учун ташриф буюрилади.

Корхона масъул ходимлари томонидан интернет ёрдамида обуна бўлиш тўғрисидаги барча маълумотлар телефон орқали ҳам обуначиларга билдирилмоқда.

Ахборот технологиялари имкониятлари янги йил нашрларига обуна бўлиш жараёнини қулай ва оммабоп тарзда бўлишини таъминлаши турган гап.

Асқар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

Xalqaro
hayotКЛИНТОН ХОНИМ
СИЁСАТДАН КЕТМОҚЧИ

Associated Press агентлигига берган интервьюсида АҚШ Давлат котиби Хиллари Клинтон Барак Обаманинг жорий президентлик муддати тугаганидан сўнг ўз мансабидан кетмоқчилигини маълум қилган. Шунингдек, у келгусида ҳукумат структурасида ишламаслигини, оддий ҳаёт тарзига қайтишни ташкиллаган. Обаманинг келажаги ҳақида гапирганда эса у 2012 йилги президентлик сайловларида ғалаба қозонишига ишонишини айтган. Аввалроқ Давлат котиби Обама қайта сайланса, ўз лавозимида қолишини яширмаганди.

КУВАЙТ БОЖХОНАЧИЛАРИ
НОРОЗИ

Kuwait Times нашрининг маълум қилишича, Кувейтнинг намоийшичи божхоначилари нефт экспортига тўқналик қилишган. Улар нефт ортилган танкерларни портдан чиқариш ҳақидаги буйруқни рад этишган. Газетанинг ёзишича, натижада Кувейт портларида икки йўналишда ҳам иш тўхтаб қолган. Мина ал-Аҳмади портида камид нефт ортилган бешта танкер Форс кўрфазига чиқиш учун божхона рухсатини ололмаган.

Кувейт божхоначилари душанба куни иш ташлашни бошлашган. Намойиш қатнашчилари маошларини оширишни ва меҳнат шароитларини яхшилашни талаб қилишмоқда. Намойишчилар билан музокара олиб борган божхона хизмати бошлиғи Иброҳим ал-Ғаним уларни иш ташлашни бас қилишга чақириб, талаблари қўриб чиқишига ваъда берган. Божхоначилар унинг сўровини инкор этишиб, бир неча марта ваъдасини бузганлиги учун молия вазири Мустафо ал-Шамалига ишонмасликларини маълум қилишган.

САРАТОНГА ҚАРШИ
НАНОПРЕПАРАТ

Эронлик мутахассислар саратон ва ОИТСга қарши нанопрепарат ишлаб чиқишган. Препаратлар ҳозирда айрим шифоналарда қўлланилмоқда. Бу ҳақда Эрон Нанотехнологиялар ишлаб чиқиш ташкилоти раҳбари доктор Саид Саркар МЕНР ахборот агентлигига берган интервьюсида маълум қилган.

Саркарнинг сўзларига кўра, "Дохурибизин" нанопрепарати уч ой ичида сотувга чиқарилади. "Бу дори саратонни, хусусан, тухумдон саратонини ва ОИТСни даволашда қўлланилади", деган Саркар.

Ливия: СИРТ ШАҲРИ
СИРТМОҚДА

Ливиянинг Муваффақ миллий кенгаши (ММК) кўшинлари Муаммар Каддафи туғилган шаҳар — Сиртнинг катта қисмини ўз назоратига олган. Аммо Каддафи тарафдорлари уларга қаршилик қилишни давом эттиришмоқда. ИТАР-ТАСС хабар беришича, душанба куни исёнчиларнинг уч рандаги байроғи Каддафи кўшини штаби жойлашган "Угадугу" халқаро мажмуаси устига ўрнатилган.

ММК раҳбари Мустафо Абдул Жалил Сирт ва Каддафи таянчи бўлган Бани-Валид шаҳри ушбу ҳафта ичида ишғол қилинади, деб ҳисобламоқда. Сирт кўлга киритилиши билан кўзғолончилар Ливиянинг "озодлигини" эълон қилишмоқчи.

Интернет материаллари
асосида тайёрланди

Почта алоқаси хизматини жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш ҳозирги даврнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Ушбу соҳадаги ислохотларнинг асосий мақсади ҳам шу вазифага қаратилган. Истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматларни янги андозаларга мослаб, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда почта алоқаси соҳасида янгидан-янги хизматлар жорий этиб келинмоқда.

Масъулият мезони

Ҳар бир ходим ўз вазифасини сидқидилдан,
виждонан бажаришни унутмаслиги керак

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ билан Давлат алоқа инспекцияси ўртасида тузилган келишувга мувофиқ ҳамкорликда ўтказилган ўрганишларда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиалининг Яккабоғ, Чирокчи почта алоқаси тармоқларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, улар учун зарур маълумотларнинг мавжудлиги, почта алоқасининг универсал хизматларини кўрсатиш сифати, даврий нашрларнинг ўз вақтида эгаларига етказилиши, почта алоқаси корхоналари ишини тартибга солувчи қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги бўйича олиб борилаётган ишларда бир қатор хато ва камчиликлар аниқланди. Хусусан, почта алоқаси тармоғи иш фаолиятида фойдаланиш учун қонун ва меъёрий ҳужжатлар билан тўлиқ таъминланмаган, амалга киритилган меъёрий ҳужжатларни ўқиб-ўрганиш учун 2011 йилга чора-тадбирлар режаси тузилмаган ва ўқув-семинар машғулотлари ташкил этилмаган, суғурта бўлимининг амалиёт зали почта жўнатмаларини тахлаш, жойлаш учун ёғоч ёки картон қутилар, шунингдек, полиэтилен ва газлама қоплар билан таъминланмаган.

Шунингдек, тармоққа қарашли бўлган 39та алоқа бўлимидан 12тасида телефон алоқаси (шулардан 7таси уяли алоқа) мавжуд, лекин мазкур алоқа воситаларининг барчаси техник носоз ҳолатда бўлиб, қолган алоқа бўлимлари телефон алоқаси билан умуман таъминланмаган.

Туман ва қишлоқларда мавжуд бўлган эски телефон станцияларни рақамли станцияларга алмаштириш ишлари жадал олиб борилаётган бир вақтда, ахборот алмашинувида зарур воситалардан бири ҳисобланган телефон алоқаси билан таъминлаш масаласига эътибор қаратилмаганлиги ажабланарли ҳол, албатта. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, 2011 йил 1 июл ҳолатига вилоят ҳудудида мавжуд бўлган 286та алоқа бўлимидан 141таси телефон алоқаси билан таъминланмаганлигига қандай изоҳ бериш мумкин.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан 2011 йил учун тасдиқланган иш режасига асосан

почта алоқаси тармоқлари ва алоқа бўлимларини жорий ва мукамал таъмирлаш ишлари бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинганда, Яккабоғ почта алоқаси тармоғига қарашли Чойдори, Эсаг, Дархон ва Учтепа алоқа бўлимлари ҳамда Чирокчи почта алоқаси тармоғига қарашли Дам, Тўлақул ва Аймоқ алоқа бўлимлари таъмирталаб бўлса-да, филиалининг жорий ёки

гишли хатлар орқали таклиф ва мулоҳазалар берилишига қарамасдан, ушбу камчиликлар тақдорлини келинмоқда.

Қашқадарё вилоят Давлат алоқа инспекциясининг "Ишонч телефони"га жорий йилнинг 6 ойи давомида почта алоқаси бўйича истеъмолчилардан жами олгига мурожаат тушган бўлиб, шуларнинг барчаси истеъмолчиларга даврий матбуот нашрлари ва почта жўнатмаларини назорат муддатларида етказиб бермаслик ҳолатлари юзасидан бўлган. Мурожаатлар филиал ходимлари билан биргаликда қонунчиликда белгиланган тартибда ўрганиб чиқилди ва мурожаатчиларга жавоб хатлари юборилди. Мурожаатлар келиб чиқишига сабабчи бўлган масъул ходимларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда филиал раҳбарияти томонидан интизомий чоралар кўрилди.

Почта алоқаси хизматларининг юқори даражада бўлиши доимий равишда изланишлар олиб боришга, истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифат даражасини оширишга, ҳар бир ходим ўз вазифаларини сидқидилдан, виждонан бажаришига нечоғлиқ боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак.

мукамал таъмирлаш режасига киритилмаган. Алоқа бўлимларида мижозлар учун старлича шароитлар яратилиши бўйича олиб бораётган ишларни ижобий баҳолаб бўлмайд.

Почта алоқасининг универсал хизматларининг сифатини назорат қилиш мақсадида вилоят Давлат алоқа инспекцияси томонидан вилоят ҳудудида жойлашган шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқларига тегишли почта қутиларидан ва алоқа бўлимлари орқали жорий йилнинг 6 ойи давомида вилоят ичида ва вилоятлараро оддий ва буюртмали хатлар юборилиб, почта алоқаси иш сифати бўйича мониторинг ўтказилди. Ўтказилган мониторинг натижалари таҳлил қилинганда, юборилган хатлардан икки фоизи почта қутиларидан кечикиб олинди, уч фоиз хатларни олувчиларга кечиктириб етказиб бериш, тўрт фоиз оддий хатлар манзилга етиб бормаслиги ҳамда уч фоиз буюртмали хатларнинг хабарномаларига белгиланган тартибда ишлов бермаслик ҳолатлари маълум бўлди. Мазкур камчиликларни бартараф этиш бўйича "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг Қашқадарё филиалига те-

Ҳамкорликда ўтказилган ўрганишлар жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиалининг раҳбарияти, почта алоқаси тармоқлари раҳбарлари ва ходимлари иштирокида йиғилишлар ўтказилиб, мазкур камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли таклиф ва мулоҳазалар бериб борилмоқда. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, унинг бажарилиши вилоят ДАИ томонидан назорат қилиб келинмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, филиал ва унинг тизимидаги почта алоқаси тармоқларида фаолият олиб бориш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўқиб-ўрганиш бўйича ўқув машғулот режасини ишлаб чиқиш, режага асосан доимий равишда ўқув-семинарларни ташкил этиш ва ходимлар билим савиясини ошириш зарурдир. Почта алоқаси хизматларининг юқори даражада бўлиши доимий равишда изланишлар олиб боришга, истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифат даражасини оширишга, ҳар бир ходим ўз вазифаларини сидқидилдан, виждонан бажаришига нечоғлиқ боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак.

Акром ҚУРБОНОВ,
Қашқадарё вилоят
ДАИ бошлиғи

Ютуқлар залвори

Мамлакат тараққиётида АКТнинг тугган ўрни ва аҳамиятининг яна бир жиҳати иқтисодий соҳага дахлдордир. Гап шундаки, алоқа воситалари орқали узатиладиган ахборот жамият ривожининг энг муҳим шартларидан бири бўлиб қолди. У ишлаб чиқариш ресурси, инсонлар орасидаги алоқани таъминловчи қудратли восита ҳисобланади. Шу сабабли халқ хўжалиги ва жамиятнинг ахборот узатиш тезлиги ҳамда сифатига бўлган талаблари тезкорлик билан ўсиб бормоқда. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги ўзгаришлар мамлакатимизнинг жанубий сарҳади — Қашқадарё вилоятида ҳам жадал юз бераётганлиги фикримиз исботидир.

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш тўғрисида"ги 572-қарори ижроси юзасидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, уни вилоятда татбиқ қилиш мақсадида умумий сифими 27 636 абонент рақамига эга бўлган "Huawei" "C&C08" русумидаги янги рақамли телефон станциялари келтирилиб, вилоятнинг 13та ҳудудида ишга туширилди. Ҳозирги кунгача вилоятдаги мавжуд реконструкция қилинган 93006 сифимли аналог АТСларнинг 85806 рақам сифими ЭАТСларга алмаштирилган бўлиб, рақамлаштириш даражаси вилоят бўйича 97,2 фоизга етказилди.

Жорий йилда вилоятимизнинг бир неча жойларида "Коинот-Эл-СГМ" русумли 208 портли АТСлар ўрнатилиб ишга туширилди ва бу каби ускуналарни ўрнатиш давом этаётир.

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали ва "UzNET" филиали билан биргаликда ADSL модемларидан фойдаланувчилар сонини ошириш бўйича кўшимча режа ишлаб чиқилган бўлиб, шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламаларида ўрнатишга DSLAM ускуналарининг монтаж сифими 2864 портга етказилди.

Қашқадарё филиали томонидан Фузор ва Чироқчи телекоммуникациялар боғламаларидаги эски дизел генераторлар қуввати 14 кВтли "ГЕКО 150001" русумидаги дизел генераторларига, Деҳқонобод ва Косон телекоммуникациялар боғламаларидаги эски дизел генератор қуввати 8,5 кВтли "KIPOR" русумли янги дизел генераторига, Китоб ва Миришкор телекоммуникациялар боғламаларидаги дизел генераторларнинг аккумуляторлари янгисига алмаштирилган. Яққабў туманидаги марказий АТСга кўшимча аккумулятор батареялари ўрнатилиб, бу ердаги ечимини кутаётган муаммоларга барҳам берилди.

Қишлоқ аҳолисига юқори тезликдаги симсиз кенг полсалали маълумотлар узатиш хизматини таъминлаш ва янги қурилаётган намунавий қишлоқларда телекоммуникация хизматларига бўлган талабни қондириш мақсадида, "ЎзМобайл" филиали



CDMA-450 технологиясида ишлайдиган 3525та стационар телефон аппаратлари ўрнатиб берилди.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

Япониянинг "NEC" компанияси қурилмалари асосида эскирган узатгичлар янгисига алмаштирилди. Хитой Халқ Республикасининг "Эксим-банк"и кредити асосида "Ўзбекистон Республикасида сунъий йўлдош алоқа тизими орқали телерадиоэшитиришларни ташкил этиш" лойиҳаси амалга оширилди. Мазкур лойиҳа доирасида 5та 100,0 Вт, 61 дона 10,0 Вт қувватли телевизион узатгичлар, 54та 10,0 ва 100,0 Вт қувватли радиоэшитириш узатгичлари, Қашқадарё телевидениеси учун 2та 1,0 кВт қувватли узатгичлар ўрнатилади.

Вилоятнинг Самарқанд вилояти ҳудуди билан чегаралаш қисмидаги Тахтақорача РТСда қуввати 1 кВт бўлган 54-ТВ канали орқали Қашқадарё телерадиокомпанияси телекўрсатувларини эндиликда вилоятнинг барча туманлари аҳолиси кўриши имкониятига эга бўлди.

Республикада рақамли телевидениени ривожлантириш лойиҳаси асосида, Деҳқонобод тумани Одамтош РТСда рақамли ТВ узатгичи монтаж қилиниб, синов тартибида ишга туширилди.

ПОЧТА АЛОҚАСИ ВА МАТБУОТ

Электрон пул жўнатмалари хизматини жорий қилиш мақсадида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали тизимида ахборот-коммуникация технологиялари негизда вилоятнинг барча шаҳар ва туман почта алоқаси тармоқларида электрон пул жўнатмалари тизими жорий этилди. Бир неча туман почта алоқаси тармоқларида мижозларга қулайлик яратиш мақсадида обуна, коммунал ва почта хизматлари учун тўловларни пластик карточкалар орқали қабул қилиш йўлга қўйилган. Аҳолининг кундалик ахборотларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида кўчма алоқа бўлимлари фаолият олиб бормоқда. Жўнатмалар етказилишини юқори савияда таъминлаш учун "Дамас" русумидаги автомашиналар сонини ошириляпти. Вилоятнинг чекка ва олис аҳоли маскан-



"East Telecom" МЧЖ Қашқадарё минтақавий филиали томонидан айнан 2011 йилнинг шу давригача жами 116та мактаб, 99та коллеж, 7та лицей, 5та "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлимлари, битта музей ва битта кутубхона "ZiyoNET" таълим тармоғидан фойдаланиш учун интернет тармоғига узланди.

ларида яшовчиларга почта алоқасининг ноанъанавий ва замонавий хизматларини кўрсатиш учун ташкил этилган кўчма алоқа бўлимларининг фаолияти ўз самарасини берапти.

Кейинги йилларда "Матбуот тарқатувчи" ШК ўз маблағи ҳисобидан вилоятимизнинг бир неча туман марказларида замонавий услубдаги матбуот дўконларини фойдаланишга топширди. Матбуот нашрларига обуна уюштиришнинг замонавий тизimini, яъни интернет орқали электрон обунани ташкил этиш бўйича ҳам ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 7 июлдаги 117-қарори ижросининг вилоятда бажарилиши юзасидан электрон ҳужжат айланиш тизimini давлат бошқарувида йўлга қўйиш ҳамда электрон рақамли имзодан фойдаланиш мақсадида вилоят ҳокимлиги, шаҳар ва туман ҳокимликларида жами 15 локал тармоқ ташкил этилиб, "UzNET" филиали Қашқадарё бўлими томонидан VPN технологияси асосида 128 Кбит/с тезликда ишловчи ягона корпоратив тармоққа бириштирилди. Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти www.qashqadaryo.uz фаолият кўрсатмоқда.

Вилоят ҳудудида интернетдан жамоавий фойдаланиш масканлари сонини 20тани ташкил қилиб, жумладан, вилоятнинг Қарши шаҳри, Шаҳрисабз, Фузор ва Муборак туманларида

интернет-кафе лицензиатлари фаолият юритмоқда. Рақам ва таҳлиллар шунини кўрсатадики, биргина 2010 йил якунида интернет хизматидан фойдаланувчилар сони 277180 нафарни ташкил этган бўлса, 2011 йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 283200 нафарга етиб, фойдаланувчилар сони 5 минг 840 кишига ошган.

Вилоятдаги инфратузилма объекларини телефонлаштириш ва "ZiyoNET" таълим тармоғидан фойдаланиш ва тармоқни кенгайтириш юзасидан олиб борилган ишлар ҳам эътиборга моликдир. "ZiyoNET" ахборот тармоғига таълим муассасаларини улаш ишлари "East Telecom" МЧЖ Қашқадарё минтақавий филиали, "ЎзМобайл" филиали Қашқадарё бўлими ва "RWC" МЧЖ томонидан амалга оширилмоқда. Шу кунгача вилоятдаги 1097 мактаб телефонлаштирилиб, компьютер мавжуд мактаблар "ZiyoNET" таълим тармоғидан фойдаланишлари учун интернетга улаб берилди. "ЎзМобайл" филиали Қашқадарё бўлими ва "RWC" МЧЖ томонидан ҳоимийлик асосида уч йил муддатгача чиқиш кўнғироқлари учун имтиёзли 500 даққа, кириш кўнғироқлари бепул ва 500 МВ бепул интернет хизматлари кўрсатувчи стационар аппаратлар улаб берилди.

Вилоятда мавжуд 262та қишлоқ врачлик пунктларидан 222таси ҳоимийлик асосида мобил алоқа компаниялари томонидан икки йилгача чиқиш кўнғироқлари учун имтиёзли 500 даққа, кириш кўнғироқлари бепул телефон аппаратлари билан таъминланди.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

Коммуникация хизматларини кўрсатиш билан бирга, алоқа ходимларининг касб маҳоратларини ошириш, соҳада самарали меҳнат қилганларнинг бой иш тажрибасини ёшларга ўргатиш, ишчи-ҳодимлар маънавий турмуш шароитларини яхшилаш учун ёрдам бериш, улар солиқларини тиклаш, фарзандларининг кўнгилли дам олишлари учун оромгоҳларга йўланмалар ажратиб, мамлакатимизнинг йирик ва тарихий шаҳарларини жадаллаштиришга саёҳатлар уюштириш, кекса авлод вакиллари билан учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш борасида ҳам вилоят ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ташаббускорлиги катта.

Айниқса, Тошкент ахборот технологиялари университети талабалари олган билимларини амалиётга татбиқ этиб, ўзларининг интеллектуал салоҳиятларини намоён этмоқдалар. "Бунёдкор" талаба-ёшлар меҳнат жамоалари бу жараёнда фаол иштирок этишмоқда.

Кейинги йилларда соҳада кадрлар тайёрлаш ишларини жадаллаштириш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қашқадарё вилоятда ахборот ва компьютер технологиялари йўналишида 10та касб-хунар коллежи ҳамда ТАТУ Қарши минтақавий филиали фаолият кўрсатмоқда. Уларда келажагимиз эгалари бўлган интеллектуал салоҳиятли ёшлар таълим олишмоқда.

Б.ЖАББОРОВ,
ЎзААА Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

ОБСУЖДЕНЫ ПРОБЛЕМЫ

Информационной безопасности в сфере связи и информатизации и пути их решения

12 октября 2011 года, в Узбекском агентстве связи и информатизации состоялся ежегодный республиканский семинар "Информационная безопасность в сфере связи и информатизации. Проблемы и пути их решения".

Цель семинара — предоставить участникам площадку для обмена мнениями о состоянии нормативно-правовых актов, методах и средствах обеспечения информационной безопасности, существующих проблемах и путях их решений.

Организаторы семинара: УзАСИ, Центр "UNICON.UZ" и Научно-техническое общество радиотехники, электроники и связи Узбекистана.

В семинаре приняли участие представители Совета национальной безопасности При Президенте Республики Узбекистан, Кабинета Министров, Министерства внутренних дел Республики Узбекистан, Службы национальной безопасности Республики Узбекистан, операторов мобильной связи, совместных предприятий сферы связи и информатизации, а также других министерств и ведомств.

В ходе семинара отмечено, что, на сегодняшний день, в республике уделяется особое внимание задачам и

проблемам обеспечения информационной безопасности на государственном уровне. Об этом свидетельствуют соответствующие законы и подзаконные акты, связанные с регулированием различных аспектов в области информационных технологий. В связи с этим, становится актуальными проведение семинаров и конференций, которые способствуют не только дальнейшему развитию сферы связи и информатизации, но и помогают определить пути решения сложившихся проблем.

Вопросы обеспечения информационной безопасности являются комплексными, их решение требует объединения усилий органов государственной власти, силовых структур, научных учреждений, операторов телекоммуникаций. Кроме того, проведение подобного рода мероприятий способствует обмену опытом по



предупреждению и анализу инцидентов, что ведет к распространению лучшего опыта работы по противодействию и предупреждению возможных угроз.

В ходе семинара было заслушано более 10 докладов по таким темам как: Классификация методов защиты программного обеспечения с точки зрения "взлома"; Разработка и внедрение эффективных политик информационной безопасности; Анализ путей совершенствования систе-

мы подготовки кадров в сфере обеспечения информационной безопасности; Обеспечение информационной безопасности в государственных органах. Части ошибки и проблемы; Моделирование межведомственных интегрированных информационных систем единого окна таможни и другие.

В завершении семинара проведен обмен мнениями между участниками, а также дискуссии по представленным докладом.

Аси.uz

UZTELECOM ВНЕДРЯЕТ

новые услуги дата-центра и развивает веб-ресурсы в сети "TAS-IX"

Акционерная компания "Узбектелеком" запустила в тестовом режиме новый сайт собственного дата-центра - www.uzdc.uz

На новом сайте компании представлены такие услуги как: "веб-хостинг", "VPS сервер", "регистрация доменов", "Co-location", "видеоконференцсвязь" и "виртуальная флешка".

Услуга "виртуальная флешка", например, дает возможность любому желающему хранить свои данные на защищенных серверах и иметь к ним доступ из любой точки мира через интернет. Для использования данной услуги не нужна установка специального программного обеспечения, работать с файлами можно посредством веб-браузера. Просто войти в свой аккаунт и начать работать.

Еще более интересным является раздел сайта "ресурсы". В нем в настоящий момент представлены подразделы: "файловый хостинг", "игро-



вой портал", "софт портал", "фото хостинг" и "VoIP чат". Есть и специализированный раздел "форум", на котором можно обсудить самые различные технические вопросы.

Необходимо отметить, что развитие собственных ресурсов компании, кроме предоставления инновационных услуг дата-центра, позволяет абонентам компании экономить значительные средства.

Все ресурсы дата центра находятся в сети "TAS-IX", а это значит, что для абонентов компании доступ к ним абсолютно бесплатен

на скорости от 1 до 2 Мбит/с.

Наша компания стремится не только предоставлять услуги доступа к сети интернет по самым передовым технологиям, но и развивать инновационные услуги дата-центра такие как "веб-хостинг", "VPS сервер", "Co-location" или "видеоконференцсвязь". Мы также будем активно развивать веб-ресурсы компании в целях развития филиала "Центр Развития Бизнеса" в целом, и предоставления нашим абонентам нужных и недорогих веб-сервисов в частности — прокомментировал создание нового сайта М.Махмудов, генеральный директор АК "Узбектелеком".

Новый сайт www.uzdc.uz пока работает в тестовом режиме, его ресурсы и сервисы будут постоянно развиваться для повышения качества и количества, предоставляемых абонентам услуг.

uztelecom.uz

ОНЛАЙН-ТАРИФИКАЦИЯ УСЛУГ МОБИЛЬНОГО ИНТЕРНЕТА

Единый оператор связи "Билайн" (ООО "Unitel" и СП "Buzton") сообщает о запуске онлайн-тарификации услуг мобильного интернета. Теперь при открытии интернет-сессии биллинговая система будет резервировать денежные средства на балансе абонента.

"Мы давно шли к этому, и сегодня готовы выполнить давнее пожелание наших клиентов, — отметил старший менеджер по связям с общественностью "Unitel" Ораз Абдуразаков, комментируя событие. — Интернет "Билайн" стал еще более прозрачным, а онлайн-биллинг открывает множество дополнительных возможностей как для компании, так и для пользователей".

УСЛУГА "МОБИЛЬНЫЙ ОФИС" С 3G-МОДЕМОМ 3,6 МБИТ/С СНИЖЕНА

"Beeline Business" (ООО "Unitel" и СП ООО "Buzton") сообщает об улучшении условий подключения к услуге "Мобильный офис" с предоставлением 3G USB-модема, поддерживающего скорость до 3,6 Мбит/с.

Microsoft компаниясининг ёндашуви буткул ўзгача: таянч инновация мавжуд маҳсулотлар оиласини такомиллаштиришга қаратилади. Бу — муҳандислик ва тадқиқотчилик лабораториялари олами, шунингдек, ҳеч кимнинг кўзига кўринмайдиган, аммо дунёни ўзгарира оладиган минглаб кичик янги ишланмалар. Бу — Microsoft олами.

БАРЧА ЯНГИЛИКЛАР — БУ БУТКУЛ ЭСДАН ЧИҚАРИЛГАН ЭСКИЛИКЛАРМИ?

Apple компаниясининг илк қурилмалари рақобатчиларига яққол ютқазар эди. Мисол учун, илк моноблок — iMacни эсга олиш kifоя. Кичик экранга эга, дисководи мавжуд бўлмаган бу қурилма ўша даврнинг муқобилларидан анча секин ишларди. Аммо, унда қандайдир янгиликлар бор эди.

Ўзи исталган инновацион янгилик аввалига бозорнинг имкон қадар арзон қатламни эгаллаши керак экан.

АТ-хабарлар

Adobe Systems машҳур Photoshop учун янги имконият яратди. Энди ушбу дастур ёрдамида сувалиб кетган расмларни санокчи социяларда созилаш мумкин. Ушбу Image Deblurring функцияси Лос-Анжелесда ташкил этилган Adobe MAX 2011 анжуманида намойиш этилди.

Европа Комиссияси Microsoftнинг Skypeни сотиб олганини тасдиқлади. Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг май ойида Skype 8,5 млрд. доллар эвазига сотилгани ҳақида хабарлар тарқалганди.

Япониянинг Sony компанияси бугун дунё бўйлаб 1,6 млн. донга Bravia LCD-телевизорларини қайтариб олишини эълон қилди. Бунинг сабаби — ушбу телевизорларда тутун ва куйиш хиллари чиқиш ҳолати кузатишган.

Pocketnow сайти Nokianing янги смартфон расмини интернетда эълон қилиб юборди. Телефон Nokia World тадбирида тақдим қилиниши режалаштирилганди.

Акустик сигналларни аналог сигналларга ўзгартириш омиллари

Мақоламиз радиоэшиттириш, телевидение ва телекоммуникация тизимларида кенг ишлатилиб, беминнат хизмат қиладиган, товушларни электр тоқларига ўзгартириш манбалари бўлган — микрофонлар, уларнинг тарихи, тузилиши, турлари, параметрлари ҳамда вазифалари ҳақида.

Бу ўринда овозларнинг яралиши, товушлар таркиби, тузилиши, турлари, параметрлари, муаммолари, манбалари, тузма ёки истеъдодли овоз соҳиблари овозлари, табиий товушлар, жонли ва жонсиз товуш манбалари, уларга бўлган халакитлар, таҳлил этиш, уларни тозалаш, аслига мослигини таъминлаган ҳолда узатиш, қайта ишлаш, тон ва гармоник ташкил этувчиларини сақлаш каби радиоэшиттириш ва телевидение, телекоммуникация соҳасидаги муаммо ва қийинчиликларни мушоҳада этган ҳолда ахборот узатиш тизими меҳнатини қадрлаш ҳамда педагогик ва психологик самаралари борасида ҳам тўхталиб ўтиш керак бўлади.

Микрофонлардан ташқари, бошқа турдаги овозларни қабул қилувчи радиотехник қурилмалар ҳам мавжуд, масалан, муסיқа асбобларида ишловчи-тебранишлар, овоз қабул қилгичлар ва ҳоказо.

Дастлаб 1878 йилда Эдисон ва Г.Махалский, сўнгра 1883 йил П.Голубицкий кўмирли микрофонларни

ихтиро этган бўлсалар, ҳозирда микрофонлар вазифа ва тузилиш, иш тамойиллари ҳамда тавсифларига асосан бир неча гуруҳларга бўлинади ва жаҳоннинг кўплаб компаниялари томонидан ишлаб чиқариляпти. Микрофонларнинг 100дан ортиқ турлари мавжуд.

Техника ва технологиялар ривожланган сари микрофонлар ва уларнинг ишлаш тамойиллари ҳам ортиб бормоқда. Улардан оқилона фойдаланиш ва натижавий сигналларни оммага етказишдаги тарбиявий жиҳатлари устида ўйлаб кўришимиз керак. Одам қулоғи 30-20000 Гц бўлган табиий товушларни қабул қилади. Ширали овоз соҳиблари бўлган хонандалар ва ижрочилар эса уларнинг биологик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда шу ораликдаги тебранишлар ва овоз баландликларини аралашмалардан фойдаланиб, бирор асарни ижро этадилар.

Бунини нуқсонсиз қабул қилиш ва тингловчига узатиш микрофонлар зиммасида. Микрофонларнинг асосий тавсифларига — сезгирлиги ($E = U/P$), амплитуда-частота тавсифи ($R(q) = E_q / E_o$), акустик тавсифи ($A = F/P$), йўналтирилганлик тавсифи ($G = E_o / E_{qs}$) ва хусусий шовқиннинг сатҳи ($L = 20 \lg(P_{sh} / P_o)$) киради.

Микрофонлар механик тузилишига асосан куйидагича (1-расм) кўринишга бўлинади:

Вазифалари турларига асосан микрофонлар студия учун, ўлчов микрофони "сунъий қулоқ", телефон аппарати капсюли, радиогарнитурга учун, яширин микрофон, ларингофон, гидрофон турларига бўлинади.

Ўзаро солиштириш жадвали (1)дан кўриш мумкинки, овоз товушларини қабул қилишда микрофонларнинг



(1-расм).

параметрлари турлича бўлади.

Турли микрофонларнинг тузилиши ҳам турлича бўлади. Масалан, конденсатор туридаги микрофон бир томони қалин ва иккинчи томони юпқа қатламли икки электроддан иборат (2-расм).

Бундан ташқари, микрофонлар акустик тавсифига асосан: босим қабул қилувчи, босимлар градиентини қабул қилувчи, аралаш, гуруҳлашган турларга бўлинади, улар турли радиотехник қурилмаларда ўз функциясида асосан қўлланилади. Микрофонларнинг иш сифатига эса унинг хусусий шовқиндан тортиб, атроф-муҳит шовқини, электр занжирнинг ички шовқинлари халақит беради.

Бу халақитларни филтрлаб, қайта ишлаб, ахборотни оммага соф ҳолда етказишда Ўзбекистон телерадио-

компанияси ва ҳудудий телерадио-компаниялар иши салмоқда ва машаққатли эканлигини унутмаган ҳолда, эфир орқали берилётган ижодий эшиттириш ва кўрсатувларни

Микрофон тури	Овоз қабул қилиш диапазони	Частота тавсифи нотекислиги, дБ	Марказий ўқига инебатан сезгирлиги (1000 гцда, мВ/м²/н)
Кўмирли	300—3400, 100—10 000 (1 тонфалги)	20	1000 0,5
Электродинамик галтакли микрофонлар	30—15 000 (слик тонфалги) 50—10 000 (1 тонфалги)	12	1,0 1
Электродинамик тасма турлиги микрофонлар	70—15 000 (слик тонфалги)	10	1,5
Конденсатор	30—15 000	5	5
Пьезоэлектрик микрофонлар	100—5 000	15	50
Электромангнит микрофонлар	300—5 000	20	5

(2-расм).

ёшларга педагогик ва психологик жиҳатларига эътибор бериш, кадрлаштириш ва эфир вақтларидан унумли фойдаланишимиз керак.

Н. ИСКАНДАРОВ,
ТАТУ Фарғона филиали талабаси

Видеоқароқчилар

Замонавий технологияларнинг шиддат билан ҳаётимизга кириб келиши ахборотнинг кенг қамровда қулай ва эркин ёйилишига хизмат қилмоқда. Аммо, танганинг иккинчи томони бўлгани каби, замонавий ахборот технологияларидан мўмай даромад илинжида фойдаланиб қолишга уринувчи кимсалар ҳам йўқ эмас.

Санъат ва sanoat тушунчалари уйғунлашиб кетаётган бугунги кунимизда деярли ҳар кун биرون янги филмнинг тақдиротида, концертлар афишасига кўзимиз тушади. Гарчи уларнинг барчасига бирдек бора олмасак-да, экран орқали кўриш имкони борлигидан хотиржам бўламиз. Эндигина таъдирдан узилган нондек бундай санъат намуналарининг ўта қисқа муддатларда ва электрон нусхаларда ёйилишини эса ривожланаётган ахборот технологиялари замонида тақаб қўямиз! Аслида-чи?

Мўмай даромад илинжида турли филмлар, концертлар, клиплар ва бошқа материалларни яширин равишда кўпайтириб, пуллаётган ва божхона сарҳадлари орқали ноқонуний олиб ўтишга уринаётган сохта "тадбиркор"лар муаллифларнинг ҳуқуқларини

қўпол равишда бузиб, уларга жиддий зарар етказишаётгани ёки бўлмаса хорижнинг ур-йиқит, шовқин-суронли ва баъзида беҳаё филмларини кенг тарқатиш орқали ёшларимиз маънавиятига жиддий путур етказиш мумкинлиги ҳақида ўйлашни исташмайди. Шунга айтса керак-да, "ўроқда йўқ, машоқда йўқ — хирмонда ҳозир" деб.

Қашқадарё вилояти божхоначилари ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари билан ўтказилган тезкор тадбирлар чоғида Қарши шаҳрида лицензиясиз турли мазмундаги DVD ва CD дискларни ноқонуний кўпайтириб сотаётган шахслар фош этилди. Фуқаролар Ж.Ашуров, Б.Толипов, Д.Азимов, Р.Курганбаев ва Х.Эшқуловлар 1222 дона контрафакт дискларни сотаётган пайтда тўхтадиб қилинди.

Навоий вилоятида эса иккита қонунбузарлик ҳолатида божхоначилар 6600 дона дискларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйишди. Фуқаролар М.Муродов ва Б.Очиловлар филмлар, турли концерт ва клипларнинг нусхалари қўлбола тарзда кўчирилган мазкур дискларни ноқонуний равишда қайта сотиш мақсадида олиб кетаётган пайтда фош қилинди.

Сотишга яроқсиз, шунингдек, маънавийимизга ва миллий қадриятларимизга зид деб топилган мазкур дисклар қонунбузарлардан далилий ашё сифатида олиб қўйилган.

Сурхондарё вилояти божхона божқармаси ходимлари томонидан ҳам йирик миқдордаги дискларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди. Юртимиз орқали транзит тарзда ўтаётган юк позеда божхона кўригидан ўтказилганда вагонлардан бирида юк-кузатув ҳужжатларида қайд этилмаган 19 минг донадан ортиқ дисклар борлиги аниқланди. Болалар руҳиятига салбий таъсир этувчи турли ўйинлар ёзилган мазкур дискларнинг умумий қиймати 57 млн. сўмдан ошар экан.

QILMISH-QIDIRMISH

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона суриштирувлари давом этмоқда.

Таъкиллаш жоизки, 2011 йилнинг ўтган 9 ойи давомида божхона ходимлари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб борган чора-тадбирлар давомида аниқланган 230дан ортиқ қонунбузарлик ҳолатларида салкам 210 минг дона турли форматдаги дискларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонуннинг 66-моддасига мувофиқ юқоридаги қонунбузарлик ҳолатларида асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхалари, шунингдек, уларни тайёрлаш ва такрорлашда фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналар ҳамда содир этилган ҳуқуқбузарликнинг бошқа воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ суд тартибида мусодара қилинди. Асарларнинг ва турдош ҳуқуқ объектларининг мусодара қилинган контрафакт нусхалари эса йўқ қилинади.

Ҳусен ТАНГРИЕВ,
Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати инспектори

"ALSKOM" XI Халқаро Ялта молия форумида

Шу йилнинг 19-23 сентябр кунлари Ялта шаҳрида XI Халқаро Ялта молия форуми бўлиб ўтди. Мазкур форумда дунёнинг 42 мамлакатидан келган 350дан зиёд халқаро молия ва сугурта ҳамжамияти вакиллари қатори ўз таркибида "ALSKOM" сугурта компанияси вакиллари камраб олган Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди.

Форумнинг биринчи кунда Ўзбекистон сугурта бозори ва инвестициявий салоҳиятига бағишланган тақдирот бўлиб ўтди. Тақдирот доирасида "ALSKOM" сугурта компанияси бош директори Тоҳиржон Иминов ўзининг "Ўзбекистон иқтисодий тармоқлари ривожланишининг сугуртавий таъминоти" мавзудаги маърузаси билан сўзга чиқди. Т.Иминов ўз нутқида мустақиллик даврида Ўзбекистон иқтисодий тини ислох этиши ва модернизациялашнинг устувор йўналишларига, бу борада эришилган ютуқларга алоҳида тўхталиб ўтди. Ўзбекистонда "ўзбек модели" тамойилига асосланган мамлакат иқтисодий тини либераллаштириш ва модернизациялаш, иқтисодий тармоқларини диверсификациялаш йўлида амалга оширилган тақдиротни кенг ёритиб ўтди. Иқтисодий таъминот амалга оширилган бундай ўзгаришлар сугурта соҳасини тубдан ислох этиши ва сугурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришни тақозо этди. Бугунги кунда Ўзбекистон сугурта бозори иқтисодий тармоқларини зарур сугурта турлари билан таъминлай олиш имкониятига эга бўлганлиги алоҳида таъкидланди.

Т.Иминов ўз нутқи якунида давлатлар сугурта бозорларининг юқори малакали кадрларни тайёрлаш, қайта сугурталаш муносабатларини ривожлантириш, инновацион сугурта маҳсулотлари, сугурта соҳасидаги услубий ишланмалар алмашинувида ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш таклифини билдирди. Мазкур таклифларнинг барчаси форумнинг якуний ҳужжатида ўз аксини топди. Форумда Ўзбекистонда иқтисодий тармоқларининг сугурта ҳимояси билан таъминлаш борасида ижобий ютуқларга эришилганлиги алоҳида таъкидланди.

Шу кунга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуриндаги сугурта назорати давлат инспекцияси кўмагида "SAIPRO" ахборот-рейтинг агентлиги ва мамлакатимизнинг қатор сугурта компаниялари томонидан ўзбек эстрадаси хонандлари иштирокида "Ўзбекистон миллий кечаси" ўтказилиб, унда миллий ҳунармандчилик андозалари кўргазмаси ва миллий таомлар тақдим этилди.




Форум давомида "ALSKOM" СК томонидан Украина, Россия ва қатор Европа давлатлари сугурта бозорининг профессионал иштирокчилари билан икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича қатор учрашувлар ташкил этилди. Хусусан, Украина сугурта ташкилотлари Лигаси, "Перспектива" БСМ (Украина), "Транссибир" қайта сугурталаш корпорацияси (РФ), Украина ядр сугурта пули, "Balt Assistance" (РФ), Польша қайта сугурталаш жамияти, Мюнхен қайта сугурталаш жамияти, "Hannover Re" қайта сугурталаш жамияти (Германия) раҳбарлари, шунингдек, Франциянинг "SCOR S.E." компаниясининг МДХ мамлакатларидаги ваколатхонаси раҳбари билан музокаралар ўтказилди.

Музокара натижасида "Транссибир" қайта сугурталаш корпорацияси, Польша ва Мюнхен қайта сугурталаш жамиятлари, "Hannover Re" ва

"SCOR S.E." компаниялари билан қайта сугурталаш соҳасида ҳамкорлик келишувларига эришилди. Хусусан, қатор етакчи компаниялар раҳбарлари билан "ALSKOM" сугурта компаниясининг қайта сугурталаш хизматидан фойдаланиш бўйича келишувлар тузилди. Бу ўз ўрнида "ALSKOM" компаниясининг экспорт салоҳияти ривожлантирилганлигини далил беради.


Бундан ташқари, Украинанинг етакчи "Перспектива" бизнес стратегиялар маркази билан "ALSKOM" компанияси ходимлари малакасини ошириш бўйича давом этиб келаётган ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилиниб, жорий йилнинг IV чорагида "ALSKOM" компанияси филиаллари раҳбарларига ҳудудий сугуртани ривожлантириш масалалари бўйича махсус семинар-тренинг ўтказилишига келишилди.



С.Мирошниченко



Л.Шанина



Ш.Осмонов

Фахрийлар эъзозда

Корхонамизда фахрийларни ҳурмат-эътиром билан пенсияга кузатиш аънаёнага айланган. Яқинда бўлиб ўтган тadbирда ҳам тўрт нафар устоз алоқачиларга иззат-икром кўрсатилди.

Улар алоқа соҳаси ва корхонамиз ривожини учун кўп йиллар самарали меҳнат қилиб, ўз касбининг усталарига айланган инсонлардир. Жумладан, шаҳарлараро автоматик телефон станцияси (ШАТС) цехи 2-тоифали муҳандиси Светлана Мирошниченко филиалимизга 1978 йилда ишга келиб, меҳнат фаолиятини АТ-ПС-ПД цехида муҳандис вазифасидан бошлади. Ўзининг 33 йиллик меҳнат фаолияти давомида ШАТС цехининг АХЕ-10 станциясида смена муҳандиси, NEAX-61 станцияси муҳандиси, ИТ-участкаси муҳандиси лавозимида меҳнат қилди.

С.Мирошниченко республика миқёсида коммутация тизимлари бўйича мутахассис даражасига етди ҳамда коммутация тармоғидаги дастлабки ҳисоб маълумотларни тайёрлаб, талабга қараб абонентлар сўзлашуви ҳақидаги ахборотни, шунингдек, кўрсатилган даврдаги ўтказиб юборилган трафик ҳақидаги маълумотни олдиндан амалга оширди. С.Мирошниченко жамoa ўртасида катта ҳур-

мат ва эътиборга эга.

Тезкор бошқарув хизмати бўлими бошлиғи Людмила Шанина филиалга 1979 йилда ишга келган. Меҳнат фаолиятини тезкор бошқарув хизмати (ТБХ) бўлимида муҳандис вазифасидан бошлаган. Ўз ишини яхши билгани учун 2008 йилдан то шу кунгача ТБХ бўлимига бошчилик қилиб келди.

У аналогли тизимларни ишга тушириб текширишдан то уларни фойдаланишдан чиқаргунча қадар бўлган жараёни босиб ўтди. Дастлаб тармоқни такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқди. Доимо ўз малака даражасини ошириб борди. Корхонада бўладиган ҳар бир тadbирда фаол иштирок этиши, интилувчанлиги, камтаринлиги, ишга масъулият билан ёндашиши туфайли ҳамкасблари орасида ҳурмати баланд.

Телеграф алоқалар цехи муҳандиси Лариса Кравцова филиалимизга 1980 йилда ишга келган. У меҳнат фаолиятини телеграф алоқалар цехида муҳандис вазифасидан бошлаган.

Л.Кравцова ишга бўлган масъулияти, ўз малакасини мунтазам ошириб бориши билан ҳамкасблари ўртасида ҳурмат қозонди. Телеграф цехи ускуналарини текшириш ва магистрал каналларида вужудга келган носозликларни тузатишда унинг хизматлари катта. Хусусан, телеграф алоқалар цехини қайта қуриш, эски телеграф аппаратларини янгиликларига алмаштириш, 2004 йилда СКАТ-1000 коммутация станцияларини монтаж қилиш ва ишга туширишда фаол иштирок этди. Шу билан бирга, иш тажрибаларини ёш мутахассисларга ўргатишдан ҳеч қачон чарчамаган.

Электроташкилотчилик ва климотехника цехи совутиш қурилмалари бўйича 5-даражали чилангар таъмирловчи Шавкат Осмонов меҳнат фаолиятини 1987 йилдан бошлади. У ўзининг интилувчанлиги, ўз хизмат вазифасига сидқидилдан ёндашиши туфайли дастлаб 4-разрядли чилангар таъмирловчи, кейин 5-разрядли чилангар таъмирловчи вазифасида ишлади. У ФМ-22, КС-25, кейинроқ КТ-25 ва КГА-11 русумли ҳаво совутич ускуналарида ишлагани тезда ўрганиб олди ҳамда унга ўта мураккаб ФЭУ-400 совутич ускунасини бошқариш топширилди. У бу вазифани узоқ йиллар сидқидилдан бажарди. Шавкат ака зamon талабларига жавоб берадиган совутич ускуналарини ишлатиб, керак бўлса уларни таъмирдан чиқарди. У иш жараёнида жуда кўп шогирдлар тайёрлади. Файрат Каримов, Хайрулла Қурбоновлар шулар жумласидир. Ҳозирда улар устозлари ишини мустақил давом эттирмоқдалар.

Филиалимизда фахрийларни тантанали равишда пенсияга кузатиш ҳамда улар ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлаш йўлида ўтказилган бундай тadbирлар ўз самарасини беришти.

Маҳмуда АРИПОВА,
"Ўзбектелеком" АК "ВКМ"
филиали маънавий-маърифий ишлар
методисти

ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот технологиялари университети куйидаги лавозимларга танлов эълон қилади.

Доцентлар:

Маълумот узатиш тизимлари ва тармоқлари — 1, Информатика — 1, Менежмент ва маркетинг — 1, Физика — 1, Олий математика — 1.

Катта ўқитувчилар:

Почта хизматини автоматлаштириш — 1, Телекоммуникация узатиш тизимлари — 2, Радиоалоқа қурилмалари ва тизимлари — 1, Компютер тизимлари — 1, Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти — 1, Ахборот технологиялари — 1, Ахборот хавфсизлиги — 1, Олий математика — 1, Алоқа қурилмалари электр таъминоти — 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:

Информатика — 1, Олий математика — 1, Компютер тизимлари — 1, Алоқа қурилмалари электр таъминоти — 1, Техник таълим педагогикаси — 1, Физика — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етуқ мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Амир Темур кўчаси, 108 — уй.
Телефон: 238 — 64 — 06.

Устозлар билан ободдир ҳаёт

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан соҳада узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган кўплаб алоқачилар "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони билан тақдирланган эдилар. Улар орасида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали ходимлари ҳам 12 нафар эканлиги ғоят қувонарлидир.



Хикоят

Кимки тафаккур уругини сепса, ҳақиқат мевасини теради.

Абдулқодир БАРЗАНЖИЙ

Филиал бош ҳисобчиси Манзураҳон Худойназарова, Марғилон почта алоқаси тармоғи бошлиғи Абдулазиз Ўлмасов, Яйпан почта алоқаси тармоғи Қақир алоқа бўлими бошлиғи Васида Облоёрова, Бешариқ почта алоқаси тармоғи технологиялар жараёни бўйича муҳандиси Ҳаётхон Пулатова кабилар қаторида Фарғона шаҳар почта алоқаси тармоғи йўриқчи-тафтишчиси Сайёрахон Тиллабоева ҳам бор.

Қайси бўлимда қандай имконият бор, уларни қандай ишга солиш керак — Ирина опа яхши биларди. Опа ўзбек, тожик тилларини аъло даражада тушунгани, қишлоқлар аҳолиси табиати билан хабардорлиги, уларни яхши кўришлиги унинг ютуқларини таъминларди. Қувасойда энг яхши почтачи деб тан олинган Ирина Аҳмаджонова қатор шоғирлар етиштирган. Сайёрахон ана шулардан биридир.

— Ҳа, Ирина опа ҳаммамизнинг устозимиз, — дейди Сайёрахон гуруҳ билан. — Маслаҳат ва ўғитлари — жон озиғи. Диққат ва ҳурмат билан боқувчи нигоҳида ҳеч қачон қаҳр-ғазаб кўрмаганман. Соҳага компютер техникаси кириб келганда "Қисқа

фуркатларда

ўрганиб ол.

Талаб қатъий,

шикоят-

га ўрин йўқ", деб ҳазиллашди. Компютерни эгалламай қўймайман, дея бир оз ҳадик-хавотир билан қўлланмаларни, "Xabar"да чиқадиган "Компютер сабоқлари"ни қўлдан қўймай чидам билан ўргандим. Аввалига совуқ ва синовчан боқувчи "темир" қиёфасида беминнат ёрдамчи, дўст-биродарни топдим. Устоз йўл-йўриқлари шарофати билан нафақат тўғри ишлаш, балки одамлараро муносабатда ҳам сабрли бўлишга кўникиб кетдим. Иномжон Нозимов, Нина Ломонова, Галина Первушина, Елена Собироваларни ҳам устоз сифатида жуда-жуда қадрлайман. Ҳаммаси ишга берилган фидойий инсонлардир. Озми-кўпми муваффа-

қиятларга эришган бўлсам, Қувасойдаги ва филиалдаги Юлдузхон Абдуллаева каби устозларимдан беҳад миннатдорман. Улуглар сўзини олдим — кам бўлмам. Мени ишлашга ва яшашга ўргатганлар сингари азизлик мақомига эришсам, дейман.

Эндиликда Сайёрахоннинг ўзи ҳам устозлик мақомида. Қувасойда Аҳаджон Олимжонов, Фарғона шаҳар почта алоқаси тармоғида Муҳаббатхон Бегматова, Гўзалой Нишонбоевалар Сайёрахонни устоз дея ҳурматлайдилар.

Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёғду билан деганлари бежиз эмас экан. Иккинчи онаси — ғоятда меҳрибон, энг яқин кишиларидан бири қайнонасини йўқотиб мусибатларда қолган кунларда ҳаёт унга "Ҳаёт давом этади" дегандек, Ватаннинг юксак муқофотини раво кўрди. Демак, у олдингидан ҳам кўпроқ гайрат-шўжаот билан ишлаши, почта иши ривожига муносиб ҳиссасини қўшиши зарур.

Ҳафиза САЛЯХОВА,
"Xabar"нинг Фарғона
вилоятидаги мухбири

➔ NISHONDORLARIMIZ

Табриқлаймиз!

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси Агентликнинг Андижон вилояти худудий бошқармаси бошлиғи Тоҳиржон НУРИТДИНОВни муборак 60 ёши билан табриқлайди. Унга сихат-саломатлик, узоқ умр тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Яйпан почта алоқаси тармоғи ходими Ҳамдамжон ЮЛДАШЕВни 55 ёши билан табриқлайди. Унга сихат саломатлик, узоқ умр, фарзандлар роҳатини кўришлигини тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Марғилон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ходими Таваккалжон МАМАДАЛИЕВни ҳамда Данғара телекоммуникациялар боғламаси ходими Зокиржон ИСОҚОВни 55 ёши билан чин дилдан қутлайди. Уларга соғлиқ-омонлик, узоқ умр, фарзандлар бахти-иқболлини кўришлигини тилайди.

Ойдин йўллар ифори

Лавҳа

Биз катта йўлдамиз — ҳаёт йўлида. Ҳаммамиз ҳам унинг сўқмоқларида юрганмиз, юрганмиз ва мудом одимламоқдамиз. Йўлнинг аячагини қисмин босиб ўтиб, ортга қарасак нимадир қалбга таскин беради. Шунча йўлни беҳуда босиб ўтмабман, дейсиз ёки аксинча. Аммо йўл адоғи бу ерда эмас. Бизни олдинда машаққатли ва узун йўллар кутмоқда...

Шу ҳаёллар билан кўзланган манзилга қандай етиб келгани билмай ҳам қолибмиз. Хоразм вилояти "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонасида антиқа ҳил димоққа урилди. Бу атир ёки бошқа бир нарсанинг ифори эмас, бу аслида кўпчиликка таниш. Айниқса, матбуот соҳаси вакиллари уни энг биринчилар қаторида ҳис қилади. Бу даста-даста газетадан таралувчи иссиқ ифор тафти эди.

Корхонада тахлам-тахлам газеталар сараланмоқда. Ҳамма ишга шўнғиб кетган, қўл-қўлга тегмайди. Рўпарадаги хонага кирдик. Хонанинг бурчагида бир қиз ўтирар, клавиатурани тинмай тиқиллатарди.

Санамжон Йўлдошева "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонасида обун бўлими мутахассиси сифатида фаолият юритмоқда. Унинг бу жойда ишлаётганига ҳам ўн уч йил тўлибди. Ишни дастлаб иқтисодчи-ҳисобчиликдан бошлаган Санамжон у пайтлар билан ҳозирги давр ўртасида кескин фарқ сезилишини айтиб, иш сифатини обунчилар рўйхати билан изоҳлаши мумкинлигини таъкиллади. Тўғри-да, рақамларнинг ҳам ўз тили бор. Масалан, бизнинг воҳада матбу-



от тарқатиш корхонасидан 60 мингта яқин газета-журналлар обунчилар қўлига етиб бормоқда. Энг муҳими, минглаб хонадонда яшовчи юз минглаб кишилар маърифатга интилмоқда. Бундай саховатли ишда Санамжоннинг хизматлари алоҳида. У обуна пайти тун ярмигача ишхонасида қолиб кетишига тўғри келади. Баъзи пайтлар ҳам бўладики, қуёш чиқиши-ю тун қорайишини кўрмасдан ишга энг шимаради. Не бўлганда ҳам, Санамжон Йўлдошева "Ўз касбининг устаси". У Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг мазкур кўкрак белгиси билан тақдирланган.

Шўъба корхонада Санамжонга ўхшаш кўплаб касб фидойилари борки, улар ҳам миллионлаб дилларга маърифат билан кириб боришни ўзига шараф билади. Корхонанинг "Хоразм пахта саноат", "Урганчёр", "Жанубгазқурилиш", "Урганчгазтранс", Урганч шаҳар халқ таълими бўлими каби доимий мижозлари бор.

Санамжон Йўлдошевадан омманнинг қайси даврий нашрларни кўпроқ варақлаётгани юзасида қизиқиб фикр сўрасак, обунчилардан гап очди. Уларнинг кўпчилиги "Халқ сўзи",

"Ишонч", "Правда Востока", "Маърифат", "Ўзбекистон овози", шунингдек, "Хоразм ҳақиқати" газеталарига обуна бўлаётгани ҳақида маълумот берди. Санаб ўтилган матбуот нашрларининг ҳар бирида қудратли куч "сахифаланари". Бу куч биланки эмас, онг-шуурни тўлдирди. Мана шундай қудрат нозик қўлларда сараланиб, оммага тарқатилмоқда.

— Санамжоннинг ишга масъулият билан қарши ҳурматга лойиқ, — дейди "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси бошлиғи Ойбек Қурбанов. — У интизом масаласига жиддий қарайди. Хужжатларнинг доимо батариб юритилишида унинг касбга иштиёқи сезилади. Тўғрисиқлиги, ишчанлиги, мижозлар билан ҳушмуомалиги корхонамиздаги ходимларга ҳар жиҳатдан ўрнак бўлишга арзийди.

Санамжон Йўлдошевани ижобий характерлашда устозлар сабоғи эсга келади. Ахир унинг бу йўлда равон қадам ташлаши ўз-ўзидан шакланмаган. Ҳар ким бир оз туртки, ишонч ва қатъият сабаб бўлиб, ўз йўлини топади. Санамжон ҳам устозлари Муқаддас Жумабоева, Ширин Матниёзовалар кўмағида келажакни белгилаб олди...

У яна ишга боши билан шўнғиди. Ҳали у қанча даврий нашрлар обунасини қабул қилиши ва уларни манзилларга етказиш учун рўйхатга олиши керак.

Ақмал ЖУМАМУРОДОВ
Хоразм вилояти

СУРАТДА: Хоразм вилояти "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси обун бўлими мутахассиси Санамжон Йўлдошева.

Соҳа спортининг шиори: Соғлом турмуш!

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

Соҳада спортни ривожлантиришнинг турли босқичлари ишлаб чиқилган. Жумладан, мини-футболда алоқа ва ахборотлаштириш тизимининг исталган ёшдаги вакили мусобақаларда иштирок этиш имкониятига эга. Бунинг учун соҳанинг бош кубоги мусобақалари, пойтахт корхоналари ўртасида "Ўтиш турнири" кубоги, раҳбар ва катта ёшдаги ходимлар ўртасидаги турнирлар ҳар йили мунтазам равишда ўтказиб келинади. Жорий йили, ҳатто, алоқачилар фарзандлари ўртасида ҳам республика мусобақаси ташкил этилди. Буларнинг бари соҳада мини-футболнинг оммавийлиги ортисидан тортиб, ушбу спорт тури бўйича соҳа вакиллари орасидан профессионаллар етишиб чиқиш даражасигача хизмат қилмоқда. Ва, энг асосий мақсад — жисмоний баркамоллик, соғлом турмуш тарғиботи амалда ўз аксини топмоқда.

Ўтган дам олиш кунлари Тошкент шаҳри жамоалари ўртасида ўтказилган "Ўтиш турнири" ғолиб ва совриндорлари аниқланди.

Газетамизнинг аввалги сонларида гуруҳлардаги ўйинлар ҳақида маълумот берган эдик. Унга кўра, ўз гуруҳларида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар чорак финалда йўл олишди. Унда қуйидаги натижалар қайд этилди:

Чорак финал

UCCELL — МАТБ — 3:4

Алоқабанк — 2-лицей — 4:6

ЎзААА — Алком — 2:2 (пеналтилар бўйича — 5:4)

Ўзтелеком — ЭМММ — 4:3

Эътиборлиси, чорак финал баҳслари тенг курашлар остида ўтди. Жуптликларда фаворит ҳисобланган жамоалар мусобақани шу босқичда тўхтатишга мажбур бўлдилар. Аксинча, ўз гуруҳларида иккинчи ўринни эгаллаб, чорак финалга йўл олганлар муваффақият қозонишди. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Биринчидан, мазкур турнирда жамоаларнинг имкониятлари ва кучи тенглашиб қолган. Иккинчидан, айрим фаворит ҳисобланган жамоалар рақиблари имко-



нияларига етарлича баҳо бера олишмади.

Шу тарзда ярим финалда доимий иштирокчи — МАТБдан ташқари, мусобақа дебютантлари — ТАТУ қошидаги 2-лицей, ЎзААА, Ўзтелеком жамоалари йўл олишди. Ўзтелеком бундай ҳуқуқни учрашув тугашига икки сония қолганда, жарима тўпидан унумли фойдаланган ҳолда қўлга киритди.

Ярим финал

Финал йўлланмаси ҳал қилганидан биринчи учрашувда соҳа ҳарбийлари (МАТБ) 2-лицей вакиллари билан баҳс олиб бордилар. Биринчи бўлимда лицей ўқитувчилари ҳисобда олдинга чиқиб олишди. Иккинчи бўлимда улар навбатдаги тўпни киритиб, ҳисоб янада йирикроқ кўриниш олишига эришишди. Шундан сўнг МАТБ жамоаси фаоллашди ва кетма-кет хавфли ҳужумлар натижасида ҳисобдаги мувозанатни таъминладилар. Томошабинлар нисбатан ёш ҳисобланган МАТБ вакиллари учрашув охирида ғалабани ўзлариники қилади, деб ўйлашган бўлса ажабмас. Аммо 2-лицей футболчилари аниқ ҳаракатлар ва ком-

бинациялар эвазига кетма-кет голлар киритишиб, учрашув тақдирини ҳал этиб қўйишди.

МАТБ — 2-лицей — 3:5

Иккинчи ярим финалдаги баҳс ҳам иккинчисидан қолишмади. Фарқи — бу сафар биринчи бўлиб гол ўтказиб юборган жамоа яқунда ғалабани ўз томонига оғдира олди. Ўзтелеком аъзолари ҳисобни очишган бўлса-да, устунликни сақлаб қола олишмади. ЎзААА вакиллари мусобақага пухтароқ тайёргарлик кўришгани сезилди. Ҳисоб:

ЎзААА — Ўзтелеком — 3:1

3-ўрин учун

Совринли ўрин учун кечган баҳсда ҳарбий алоқачилар ғалаба қозонишди. Бу қарама-қаршиликда барибир тажриба ўз сўзини айтди.

МАТБ — Ўзтелеком — 4:2

Финал

Учрашув тенг курашлар остида бошланди. Лицей вакиллари вақти-вақти билан рақиб дарвозаси олдида хавфли вазиятларни содир эта бошладилар. Ўз ўрнида, Агентлик футболчилари ҳам гол уриш учун қулай имкониятларга эга бўлишди. Ҳисоб барибир 2-лицей томонидан очилди. ЎзААА тезда жавоб қайтарди ва мувозанатни тенглаштирди. Иккинчи бўлимда яна иккала жамоада ҳам гол киритиш учун кетма-кет қулай вазиятлар бўлди. Бундай вазиятлардан унумлироқ фойдалана олган 2-лицей вакиллари ғалабани ўз томонларига оғдира олдилар ва "Ўтиш турнири" кубогини қўлга киритдилар.

ЎзААА — 2-лицей — 1:5

Шундай қилиб, финалгача етиб келган бу икки жамоа совринларни қўлга киритишдан ташқари, келгуси йилдан кейинги босқич — "Саралаш турнири"да қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар. 2-лицей жамоасининг ўзига хос юриши кўпчиликда футбол бўйича 1992 йили бўлиб ўтган Европа чемпио-

натини ёдга солиб юборди. Ўшанда данияликлар тасодиф туфайли мусобақага қўшилиб, яқунда чемпион бўлгандилар. 2-лицей жамоаси ҳам "Ўтиш турнири" бошлангандан кейин мусобақага қўшилганди. Мана энди — улар ҳам чемпион!

— "Ўтиш турнири"нинг бош мақсади — янги ташкил этилган жамоаларни шакллантириш, мусобақа орқали уларнинг тобланиб боришларига шароит яратиш, — дейди Ўзбекистон алоқа ходимлари кассаба уюшмаси марказий кенгаши ходими Суннат Абдуғаниев. — Кўриб турганингиздек, бу йил тўрт ўринни эгаллаган жамоаларнинг учтаси дебютант. Бу жамоаларга мазкур мусобақа орқали шаклланиб, кучайиб боришга имконият бор. Чунки улар "Ўтиш турнири"да ТШТТ, ШАК, Билайн, ТАТУ сингари соҳанинг энг кучли жамоаларига бирданига рўбарў келишмайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда мазкур турнир олдида қўйилган вазифа ўзини тўлиқ оқлайпти. Келгуси йилдан "Ўтиш турнири"да соҳанинг яна бошқа корхоналари жамоалари ҳам иштирок этишлари мумкин. Бу борада ҳеч қандай чеклов йўқ.

Ўзига хос кўприк вазифасини бажариб берувчи мазкур турнир шиддати ва қизиқарлилиги жиҳатидан соҳа кубоги мусобақасидан қолишмайди. Мусобақа давомида жамоалар аъзолари "спорт касаллиги" билан янаям "огриб" қолишганига шубҳа йўқ. Энди улар сафи ошса-ошадикки, қамаймайди. Энди улар янада кучлироқ иштиёқ билан шуғулланишади, машгулотларда кўпроқ тер тўқа бошлайдилар. Жамоаларга кучли мураббийлар жалб этилади. Демак, соҳада ўтказилаётган мусобақаларнинг оммавийлиги ва савияси ошиб, соғлом ҳаёт йўлини танлаётган ҳамкасбларимиз сони янада кўпаяди. Мақсад ҳам аслида шу!

САРАЛАШ ЯКУНИ

Аввал хабар берганимиздек, 9 октябр кунини ТАТУ спорт залида "Саралаш мусобақалари"нинг якуний ўйинлари ўтказилди.

"А" гуруҳида 3-ўринни эгаллаган БРМ (UzNET) жамоаси "В" гуруҳида 4-ўринни эгаллаган ТШТТ-2 жамоасига қарши, "В" гуруҳида 3-ўринни эгаллаган "Ўзбекистон почтаси" "А" гуруҳида 4-ўринни эгаллаган МТС жамоасига қарши майдонга тушди. Унда қуйидаги натижалар қайд этилди:

БРМ — ТШТТ-2 — 7:0

"Ўзбекистон почтаси" — МТС — 5:2

Шундай қилиб, ғолиб чиққан жамоалар жорий йил соҳа кубоги учун финал босқич ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Маълум бўлган жамоалар эса 2012 йилги мавсумда "Ўтиш турнири"да қатнашади.

ХУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

«Хабар» газетаси тахририяти 2012 йилги обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш ва ўқувчилари сафини янада кенгайтириш мақсадида ҳар йилгидек **танлов давом этаётганини маълум қилади!**

Танлов шартига кўра «Хабар»га:

1500 нусхада тўла бир йиллик обуна ташкил этган «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ филиалларининг ҳар бири – НОУТБУК;

– **200 нусхада тўла бир йиллик обуна ташкил этган туман почта алоқаси тармоқлари – 300 МИНГ СЎМ;**

– **100 нусхада тўла бир йиллик обуна уюштирган алоқа бўлимлари – 200 МИНГ СЎМ билан мукофотланади.**

1200 нусхада тўлиқ бир йиллик обуна ташкил этган «Ўзбектелеком» АК тизимидаги филиалларнинг ҳар бирига – КОМПЮТЕР;

– «Матбуот тарқатувчи» АКнинг вилоятлардаги жамият ва шўба корхоналарининг ҳар бирига – **ПЛАНШЕТ КОМПЮТЕР** берилади.

Танловда фаол иштирок этган ташкилот ва корхоналарга ҳам тахририят ўзининг **МАХСУС СОВРИНЛАРИ**ни тақдим этади.

Обуна тўғрисидаги ҳужжатлар тахририят танлов ҳайъатига юборилиши шарт.



Обуна мавсуми якунларига кўра, танлов ғолиблари газетادا эълон қилинади.

Нашр кўрсаткичлари: — 228
Имтиёзли нархдаги нашр кўрсаткичи — 3228

Мукофотлар сизни кутмоқда!



Телефонлар: 288-40-72, 288-40-69, 288-40-66.

SHU SONGA TELEGRAMMA

МАХСУС АВАРИЯ-ТИКЛАШ БОШҚАРМАСИ ҳарбий хизматчилари 2012 йил учун «Хабар» газетасига тўлиқ бир йилга 300 дона обуна бўлишди.

Ш. КУРАЙШЕВ,

Тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи, капитан

Шунингдек, тахририятимизга **“АЛОҚАЛОЙИНА” ДУК** ходимларидан келгуси йил учун «Хабар»га 55 киши обуна бўлганлиги ҳақида маълумот келди.

<p>МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ</p>		<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Ҳасан МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асалжон ХҲҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувои НАЖБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдузани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтариб берилади. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Хабар»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Тижорий материал — ❌ Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100043, Тошкент, Бунёдкор тоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Усмолжон ЙҮЛДОШЕВ.</p>									
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>	<p>Газета ҳафтанинг жума куни чиқади</p>	<p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.</p>	<p>G-1052 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Алади: 12693 нусха.</p>	<p>ISSN 2010-6424 Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>									
<p>Вилоят муҳбирлари:</p>	<p>Андижонда 226-47-80</p>	<p>Бухорода 223-27-85</p>	<p>Гулистонда 40-12-19</p>	<p>Жиззахда 226-06-34</p>	<p>Навоийда 225-91-10</p>	<p>Наманганда 226-61-85</p>	<p>Нукусда 554-35-45</p>	<p>Самарқандда 233-61-81</p>	<p>Термизда 224-06-12</p>	<p>Тошкентда 288-40-66</p>	<p>Урганчда 226-37-16</p>	<p>Фарғонада 224-91-56</p>	<p>Қаршида 314-08-99</p>